



230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy  
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30  
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

230100, Nókis qalasi, Dosnazarov kóshesi 62-úy  
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30  
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

« 6 » август 2021-у.

№ 01-01/4- 389 « \_\_\_\_\_ »- \_\_\_\_\_ 2021-ж.

Ўзбекистон Республикаси Халқ  
таълими вазирлигига

Нусхаси:

Нукус шаҳри, Аталық кўчаси,  
65-б уйда яшовчи фуқаро  
Э.Палуановага

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Сизга, Нукус шаҳар 50-сонли умумтаълим мактабининг собиқ директори Э.Палуанованинг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг “Ишонч телефони”га қилган мурожаати тегишли тартибда ўрганиб чиқилиб, натижаси юзасидан қўйидагиларни маълум қилади.

Э.Палуанова мактабда фаолият юритган даврда мактаб жамоаси ўртасида бир қанча келишмовчиликлар келиб чиқиб, суд, прокуратура ҳам да барча юқори турувчи ташкилотларга кўплаб шикоят аризалари тушиб келаётганлиги, шунингдек, мактабда носоғлом муҳит юзага келган.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрьдаги “Ўзбекистоннинг янги ривожланиш даврида таълим-тәрбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги”ги ПФ-6108-сонли Фармони ва 2020 йил 6 ноябрьдаги “Таълим-тәрбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги”ги ПҚ-4884-сонли қарори асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 25 декабрьдаги “Умумтаълим муассасалари директори лавозимига номзодларни тавсия этиш ва иш берувчининг ташаббуси билан лавозимдан озод этиш бўйича халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига тавсия киритиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги 325-сонли буйруғига асосланиб Нукус шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 50-сонли умумтаълим мактаби директори Э.Палуановани ўз лавозимидан озод этиш масаласини халқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгашига кўриб чиқиш учун тегишли тартибда тавсия этилди.

Ўз навбатида Халқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгаши томонидан Нукус шаҳар 50-сонли умумтаълим мактаби директори Э.Палуанова билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик билдириб, 2021 йил 25 июньдаги 30/6-сонли қарор қабул қилинди.

Ушбу қарор асосида Э.Палуанова мактаб директори лавозимидан озод қилиниб, ўз мутахассислиги бўйича мактабда ўқитувчи лавозимида қолдирилди.

**Иккинчи манзилга:** Маълумот учун.

Шунингдек, вазирликнинг Сизга берган жавоб хатидан қаноатлантириш ҳосил қилмаган тақдирда юқори турувчи ташкилотларга мурожаат қилиш ҳуқуқингиз бор эканлиги тушунтирилади.

Вазир ўринбосари

Ш.Таджимуратов

Ижрочи: С.Жуманиязов  
Тел: 61-222-24-66



«O'zbekiston pochta»



Ochiq aksiyadorlik jamiyati

3-shakl

3/4655-son KVITANSIYA

buyurtmali xat 3/1 qabul

qilishda banderol (alohida belgisi)

Kimga 7. Палучанова

Qayerga НОХИС ХАЛАСЫ

Og'irligi \_\_\_\_\_ g.

Jo'natish uchun to'lov 3200 so'm tiyin

Qabul qildi ✓  
(imzo)